

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА ИЖТИМОЙ-КАСБИЙ МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ КАСБИЙ ЛАЁҚАТИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

**Ибрагимов Жаҳонгир Хусанбаевич**

Тошкент давлат педагогика университети тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7378318>

**Аннотация.** Ушбу мақолада олий таълим тизимида талабаларнинг ижтимоий-касбий масъулият ҳиссини ривожлантириши, касбий масъулиятли хулқ-атвор мотивлари ва мулоқот, ахлоқий интилишлари, шахсий жавобгарлик, шахсинг таркибий компоненти, олий таълим муассасалари педагоги олдида жамият талабларига жавоб берувчи шахсий ва касбий муҳим сифатлар, талабаларда масъулиятлиликни ривожлантиришининг педагогик таъсир воситалари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий, касбий, масъулият, демографик, ахлоқ, таълим, маънавият, тарбия, борлик, зоя, мафкура, компетенция, когнитив.

## ЧУВСТВО СОЦИАЛЬНО-ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ КАК КОМПОНЕНТ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ СТУДЕНТОВ ВУЗА

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены вопросы развития у студентов чувства социальной и профессиональной ответственности в системе высшего образования, мотивации профессионально ответственного поведения и общения, нравственных устремлений, личной ответственности, структурного компонента личности, личностно-профессиональных важных качеств, отвечающих требованиям требования общества перед педагогом вуза, развитие ответственности у студентов, выделены педагогические средства.

**Ключевые слова:** социальная, профессиональная, ответственность, демографическая, этика, образование, духовность, воспитание, существование, идея, мировоззрение, компетентность, познавательность.

## SENSE OF SOCIAL AND PROFESSIONAL RESPONSIBILITY AS A COMPONENT OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF UNIVERSITY STUDENTS

**Abstract.** This article discusses the development of students' sense of social and professional responsibility in the system of higher education, the motivation for professionally responsible behavior and communication, moral aspirations, personal responsibility, the structural component of the personality, personal and professional important qualities that meet the requirements of society for a university teacher, development responsibility of students, pedagogical means are allocated.

**Keywords:** social, professional, responsibility, demographic, ethics, education, spirituality, upbringing, existence, idea, worldview, competence, cognition.

Бугунги кунда жамият тараққийетида энг муҳим вазифа сифатида ижтимоий-касбий масъулиятли кадрлар тайёрлаш масаласи олий таълим тизимининг энг долзарб вазифаси сифатида қаралмоқда. Ислохотлар даврида мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон, янги дунёқараш”ни бош мақсади қилиб олган бўлажак кадрларда жамият ривож учун ўз зиммасига масъулиятни хис қилган ҳолда жамият ривож йўлида ўз ташаббусларини кўрсата олиши ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Замонавий шароитда шахсинг масъулият ҳиссини тарбиялаш олий таълимнинг муҳим вазифаларидан бири саналади, бу

ижтимоий маданий, иқтисодий ва экологик омиллар мажмуаси билан асосланган. Бир қатор олим-психолог ва педагоглар фикрига кўра жавобгарлик исталган соҳадаги мутахассиснинг касбий лаёқати таркиби қисми ва етук шахснинг сифати саналади.

Олий таълим муассасалари талабаларида масъулиятлиликини рағбатлантириш ва мотивация бериш усуллари жуда ранг-барангдир. Масъулиятлиликини талабаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқлиги ҳамда субъектлараро ишонч усули эмпатия, толерантлик, тавозе ва талабаларнинг бошқа субъектив хусусиятларини ривожлантириш асосида масъулиятли хулқни намоён қилиш ва рағбатлантириш учун шароит яратишдан иборатдир

**Олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий-касбий масъулият хиссини тарбиялаш жараёнида умумий педагогик усулларни қўллаш хусусиятлари**

Усуллар гуруҳи	Умумий усуллар	МТЖ даги усуллар
Онгни шакллантириш усуллари	ҳикоя, тушунтириш, суҳбат, маъруза, дарс муҳокаmaları, очик мунозара, матн билан ишлаш, намуна усули	Ишонч усули, казуал ўзини англашни ривожлантириш усули, эҳтимолий прогнозлаштириш усули
Ижтимоий ахлоқ тажрибасини шакллантириш ва фаолиятни ташкил қилиш усуллари	Машқ , ўргатиш, йўл-йўриқ, кузатув, тасвирлаш ва намоиш қилиш, лаборатория ишлари, репродуктив усуллар, индуктив ва дедуктив усуллар	Тарбияловчи ҳолатларни яратиш усули, субъектлараро мулоқот усули, муаммоли кидирув фаол усуллари, индивидуал ва мустақил ишлар
Фаолият ва хулқни рағбатлантириш ва мотивация бериш усуллари	мусобақалар, ақлий ўйинлар, мунозара, ҳиссий таъсир, рағбатлантириш, жазолаш ва бошқалар.	Масъулиятлиликини рағбатлантириш ва мотивациялаш усуллари, жавобгарликни бошдан кечириш усули, тушуниш усули, субъектлараро ишонч усули.
ПП самарадорлик назоратининг усуллари	Ташхис , оғзаки ва ёзма сўров, назорат ва лаборатория ишлари, тестлар, машина назорати ва бошқалар.	Махсус ташхис, ўзаро ва ўзини текшириш, ўзини назорат қилиш, назоратнинг ноанъанавий шакллари.

Талабаларда ижтимоий-касбий масъулият хиссини ривожлантиришда ишонч усулининг асосий йўллари қуйидагилар саналади: муҳокама қилиш, тушуниш, ишонч, истак, ҳамдардлик, танбеҳ бериш, танқид қилиш.

1) Муҳокама қилиш ҳақиқатни аниқлаш жараёнига талабаларни жалб қилиш усули чифатида шахс, турли ҳодисалар, муаммоларга муносабти бўйича позицияни шакллантириш, шунингдек жамоавий фикрни ишлаб чиқиш имконини беради. У ўз нуқтаи назарини ифодалаш имконини беради, муҳокама қатнашчилари жавобгарлигини

шакллантиради. Бундан ташқари ўқувчилар мунозара, зиддият, мулоқот, суҳбат олиб бориш маданиятини ҳам ўрганадилар.

2) Тушуниш ўзаро жойлашув ва симпатиянинг ўзига хос психологик-педагогик муҳитини ҳосил қилади. хайрихоҳлик муҳити талабаларнинг очиклигига рағбатлантиради, руҳий тўсиқларни бартараф қилади, педагогик таъсирни муваффақиятли амалга ошириш учун шароит яратади.

3) Ишонч шундай ҳаётий ҳолатларга ўрганувчиларни жалб қилиш усулики, унда улар олдида мустақил, жавобгарликка эга ҳаракат, тўлиқ ўзини назорат қилиш туради. Педагогик ишонч шахснинг ички маънавий салоҳиятини очиб беради, инсоннинг ишонч ҳолатида қоидага кўра ўзининг яхши сифатларини намоён қилишга интилади. У муносабатларда ишончни шакллантиради, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлайди. Ишонч маънавий мустақилликни мустаҳкамлайди, юқори ахлоқий кадриятларга йўналтиради. Ишонч ҳолати педагогга ўқувчиларнинг шахсий сифатларини очиб беради.

4) Қўзғатиш ишонч усули сифатида фаол ҳаракатга рағбатлантиришдан иборат. Ташқи педагогик қўзғатиш босқичма босқич ўзини қўзғатишга ички имкониятга ўтади. Бу усул одатда маънавий эҳтиёжлар, ҳақиқатпарварлик, соғлом ўзини севишни ривожлантириш учун маънавий ёрдам шаклида фойдаланилади. Қўзғатиш табиий ички маънавий кучлар шахсдаги захирасини аниқлайди, шахсни йўналтиришни шакллантиради.

5) Талабаларнинг кечинмалари, уларнинг муваффақиятсизлиги ёки нохуш ҳолатлар бўйича ўз туйғуларини ўқитувчиларга тактик ифодалашнинг усули ҳамдардлик саналади. Бу шахснинг ўзига нисбатан тўғри муносабатини ишлаб чиқиш, шунингдек эмпатияни шакллантириш учун жуда муҳимдир. Педагоглар ҳисоблашича ҳамдардлик ишонч усули сифатида бошқаларнинг реал фаол ёрдамга раҳмдилликдан босқичма-босқич ҳаракатга келишни таъминлайди, масъулиятли муносабатни намоён қилади, бошқалар учун жавобгарликни ўзига олади.

6) Танбеҳ бериш эҳтимолий ноахлоқий ҳаракатлардан тактик огоҳлантириш, олдини олиш ва тўхтатиш усули саналади. Танбеҳ бериш ёрдамида педагог масъулиятсизлик ёки ноахлоқий характернинг эҳтимолий натижалари ва оқибатларини намоён қилиши мумкин. Танбеҳ бериш мақсадларида ўқувчиларни тегишли мазмундаги адабиётлар билан таништириш, профилактик суҳбатлар ўтказиш, таъқиқ ва меъёрлар, хулқ қоидалари тўғрисида суҳбатлашиш керак. Танбеҳ бериш ёрдамида педагог ноахлоқий истак ва ҳаракатлар ўртасидаги эҳтимолий зиддиятни англашга эътибор қаратади. Бундай турдаги тадбирлар учун мазмунни танлашда талабаларнинг ривожланиш даражаси, уларнинг индивидуал, ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

7) Танқид ўқувчи ва педагогларнинг хатоликлари, фикрлашдаги, хулқдаги камчиликларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, очиб бериш усули саналади. Танқид ўзини тўғри баҳолашга ёрдам беради, мажбурият, хулқ, ҳаракатларга масъулиятли муносабатда бўлишни рағбатлантиради. Тактик танқид ўқитувчи томонидан назорат ёки ўзини назорат қилиш шакли ҳисобланиши мумкин. Танқид ўзини назорат қилиш кўникмасини ишлаб чиқади ва ўқитувчи ва талабаларнинг ички масъулиятини шакллантиради.

Демак, бўлажак мутахассис сифатида талабаларнинг ижтимоий-касбий масъулиятлилиги деганда, ижтимоий муҳим сифатлар тушунилади, у олий таълим муассасасининг таълим жараёни субъекти ва танланган касбнинг бўлажак мутахассиси

сифатида унга татбиқ қилинадиган объектив жиҳатдан зарур бўлган талаблар йиғиндисини онгли тарзда бажариш қобилятини характерлайди.

Бўлажак мутахассис сифатида талабаларда шахсий масъулят хисси жавобгарлигининг шаклланганлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

Ўзига юклатилган вазифаларни қабул қилишда, шахсий касбий мотивация орқали;

Ўзини ривожлантириш ва касбий ривожланиш учун жиҳатлар, ўқувчи ва мутахассиснинг мажбуриятлари мазмунини тушунишда;

касбий ва шахсий хусусиятдаги муҳим қарорларни мустақил қабул қилишда ва қўйилган мақсадга мувофиқ уларни самарали бажаришни ташкил қилишда;

касбий фаолият ҳам жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидаги мажбуриятларни бажаришга масъул муносабатнинг намоён бўлиши;

фаол фуқаролик позициясида, ижтимоий институтлар фаолиятида қатнашиш;

инсонлар ва бутун мамлакатга бефарқ муносабатда бўлмаслик каби сифатларда намоён бўлиши билан фарқланади.

Бўлажак мутахассиснинг масъулятини шакллантириш мумкин бўлган йўналишлари сифатида қуйидагилар чиқиш мақсадга мувофиқдир:

талабаларнинг ўқув фаолиятида келгуси касбий фаолиятини моделлаштириш орқали жавобгарликни шакллантириш бўйича ўз фаолиятига мустақил ёндашиши;

касбий лаёқат, фаол фуқаролик позицияси, толерантликни шакллантириш, қарор ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда уларни амалга ошириш учун жавоб бериш малакасини шакллантиришга қаратилган олий таълим муассасалари таълим жараёнидаги ўқитишнинг фаол усулларидадан фойдаланиш;

турли ижтимоий вазифаларга ўзини қўйиб кўриш имконини берувчи олий таълим муассасалари тарбиявий ишларининг ранг-баранг шакллари;

ижтимоий, хайрия ташкилотлари, кўнгилли ҳаракатлар фаолиятида талабаларнинг фаол иштироки;

қарорлар ишлаб чиқишга талабаларни жалб қилиш ва олий ўқув юртидаги ўқув, тарбия жараёнига нисбатан уларни мустақил фикр билдира олиш сифатларини ривожлантириш.

Шундай тарзда жавобгарлик шахснинг таркибий компоненти саналади ва талабанинг фаолиятга муносабатини характерлайди. Мутахассис тайёрлашнинг асосий бўғини сифатида олий таълим муассасалари педагоги олдида жамият талабларига жавоб берувчи шахсий ва касбий муҳим сифатлар сифатида талабаларда масъулиятлиликни ривожлантиришга қодир шароит яратиш бўйича ижтимоий муҳим вазифа қўйилганини ҳам келтириб ўтиш мумкин.

## REFERENCES

1. Жамолиддинова О.Р. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривож-лантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш.: Автореф. дис. ... пед. фан. док. – Т., 2015. – 51 б.
2. Қуронбоев Қ.Қ “Талабаларнинг маънавий – ижтимоий фаолликларини ривожлантиришнинг педагогик асослари (Ёшлар ташкилотлари мисолида)”: Пед.ф.н...дисс. – Т.: ЎзПФИТИ, 2000 й.
3. Рўзиева Д. Олий таълим муассасаси талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. -Т., 2007. -255 б.
4. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): Дис..пед.фан.док.–Тошкент, 2010. – 85-151 б.
5. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Университет, 1998 й. 18-б.
6. Беликова, Л. Ф. Отношение студентов к внеучебной деятельности в вузе [Текст] / Л.Ф. Беликова // Социол. исслед. – 2000. - № 5. – С. 51–5
7. Брушлинский, А.В., Тихомиров, О.К. О тенденциях развития современной психологии мышления [Текст] / А.В. Брушлинский, О.К. тихомирова // Национальный психологический журнал. – 2013. - №2(10). – С. 10-16.
8. Коломенский Я.Л. Психология педагогического взаимодействия [Текст] / Я.Л. Коломинский. – СПб.: «Речь», 2007. – 131 с.
9. Реан А.А. Психология и психодиагностика личности: теория, методы исследования, практикум: арсенал практического психолога: учебное пособие [Текст] / А.А. Реан. – СПб.: Прайм-Еврознак, 2006. – 255 с.
10. Рудковский, Э.И. Свобода и ответственность личности [Текст] / Э.И. Рудковский. – Минск, 1979. – С. 37-158.